Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 88—89.
(2508—2509).
1992 ЙИЛ
23 СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
НАРХИ 4 СЎМ

## БУГУНГИ СОНДА

2 бет:
КАСАЛНИ ЯШИРСАНГ...



4-5 бетлар
РЕСПУБЛИКА ҚЎРИҚЛАШ ИДОРАЛАРИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА






6 бет:
ГОНКОНГДАН ЖЎНАТИЛГАН ТОБУТ



7 бет:
Кўп сонли газетхонлар талабларига биноан газетамизда ойнаи жаҳон ҳафталик дастурини чоп этамиз. Газетамизнинг нашрга чиқиш графигига боғлиқ равишда дастурни чоршанбадан бериб борамиз.
Обуначилар келгуси йилда тўлиқ ҳафталик дастури билан таъминланадилар.



Неча-неча асрлар ўтса ҳамки қўҳна Хива шаҳрида қачонлардир қурилган миноралар, мадрасалар, оромбахш масканлар сақланиб келмоқда. Бу ерга дунёнинг ўзга минтақаларидан, шу яқин атрофдан келувчилар оз дейсизми? Ўзингизга маълум бундай вазиятда участка вакилларининг хизмати нақадар оғир, чунки фурсатдан фойдаланиб қонунбузарликка қўл урувчилар ҳам топилади.

Мана шу ҳақда Хива шаҳар ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти Р. Рўзметов билан биргаликда тайёрлаган мақоламизни 3-бетда ўқишингиз мумкин.

# БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ички ишлар вазирлигининг энг йирик бўлинмаларидан бири — “Қўриқлаш“ бирлашмаси қирқ йилдан бери бошқа хизматлар билан елкама-елка туриб, жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш олиб бормоқда.

Қоровул-қўриқлаш хизматидан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи қудратли отрядгача бўлган йўлни босиб ўтган, замонавий техника воситалари ҳамда бой амалий тажриба билан қуролланган қўриқлаш бўлинмалари ҳозирги пайтда кўплаб ҳаётий муҳим объектларнинг фаолиятини ишончли равишда муҳофаза этилишини ва мулкчиликнинг барча шаклларини жиноий тажовузлардан ҳимояланишини таъминламоқда.

Ўзингизнинг фидокорона ва саботматонатли меҳнатингиз билан Сиз иқтисодиётни мустаҳкамлаш ишига ва мустақил Ўзбекистон Республикаси ривожланиши шароитида ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолган давлат кўламидаги кўплаб масалаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшмоқдасиз.

Енгил даромад ишқибозлари йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиб, принципиаллик ва ҳалоллик кўрсатиб, қўриқлаш хизмати ходимлари ички ишлар идоралари нуфузини оширишда муҳим роль ўйнашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва ҳайъати “Қўриқлаш“ бирлашмаси жамоасини мазкур хизмат ташкил этилганлигининг 40 йиллик юбилейи билан табриклайдилар ва унинг барча ходимларига соғлик, масъулиятли ишларида муваффақият ҳамда оилавий бахт тилайдилар.

# ИШБИЛАРМОНЛИК СОЯСИДАГИ ДОҒЛАР

Республикамиздаги иқтисодий қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш, истеъмол бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, аҳолининг иқтисодий шароитларини яхшилаш ҳозирги кун тартибида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Ана шу мураккаб вазифани тезроқ ҳал қилиш учун жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси умумхалқ манфаатларини кўзлаб ҳалол меҳнат қилиши, давлат ва жамоат мулкини кўпайтиришга самарали ҳисса қўшиши ва унга кўз олайтирувчи нопок шахсларга нисбатан аёвсиз кураш олиб бориши керак.

Маълумки, истеъмол бозоридаги танқчилликни тугатиш ва аҳолининг эҳтиёж молларига бўлган талабини қондириш мақсадида кўп тармоқли ширкатлар, фирмалар, ассоциациялар ҳамда қўшма қорхоналар ташкил этилган. Давлат уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Бироқ айрим “ишбилармонлик“ ниқоби остида иш юритаётган ширкат, кичик корхоналарда аксинча иш қилинмоқда. Улар давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилиш билан бирга турли ноқонуний ҳаракатларга қўл уришмоқда. Бу эса ўз навбатида республика иқтисодиётига жиддий путур етказмоқда.

Шу кунларда республикамиз ҳудудида 6674 та ана шундай корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, шуларнинг кўпчилигида қонунга зид йўллар билан шахсий бойлик орттириш ҳаракатлари содир этилмоқда. Хусусан, ўтган 1991 йил мобайнида бу соҳадаги корхоналарда 447 та жиноят қайд этилиб, уларнинг 390 таси устидан жиноий иш қўзғатилган. Ана шу йўл қўйилган жиноятлар натижасида давлатга 4,5 миллион сўм зарар етказилди.

Шу йилнинг олти ойи давомида 335 та иқтисодий жиноятлар аниқланган. Биргина хўжалик ҳисобидаги “Матонат“ кўп тармоқли фирма “ишбилармон“лари 20 миллион сўмдан ортиқ маблағни ўзлаштириб юборишган.

Ички ишлар вазирлигининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланиб келган айрим ширкатлар, ассоциациялар ва бирлашмалар фаолияти чуқур ўрганиб чиқилди. Уларнинг айримларида шундай жиноий ҳаракатлар борлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

**Газета таҳририятининг ушбу рукнни очишдан мақсади республикамиз ички ишлар идоралари бой тарихига тааллуқли одамлар, воқеалар, фактлар билан муштарийларимизни таништиришдан иборатдир. Ўтмишни хронологик тартибда умумлаштириш ва тўла-тўкис ёритишни кўзламасдан, турли тарихий даврлардаги милиция ҳаётини кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Албатта, газетхонлар ҳам бизга бу борада ёрдам берадилар деб умид қиламиз.**

## ҚАЙТА ҚУРИШ БОШИДА

***Тарих қаърида беадад ибратли сабоқлар яширинган. Бу яқин ўтмишда юз берган, лекин ҳозирданоқ ўрганиш ва таҳлилга сабаб бўлган воқеаларга ҳам тааллуқлидир. Бугун биз муштарийларни заҳирадаги генерал-майор Учқун Содиқович Раҳимовнинг хотиралари билан таништирмоқчимиз. У киши ҳозир қайта қуришнинг бошланиши деб аталаётган даврда Ўзбекистон ички ишлар вазири бўлиб ишлаган. Бу мақола яқин ўтмишга ўша вақтда юксак ва кўп жиҳатдан ўта мураккаб лавозимда бўлган одам нигоҳи билан қарашга бир уринишдир, холос.***

1985 йилнинг бошида, давлат хавфсизлиги идораларида ўттиз беш йил ишлаганимдан сўнг, мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига таклиф этишди. Марказқўмнинг иккинчи котиби Т. Осетров хонасида икки-уч дақиқалик суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат моҳияти менга Ўзбекистон ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимини таклиф қилишдан иборат эди.

Кейинги йигирма йил давомида Хоразм, Бухоро давлат хавфсизлиги идораларининг бошлиғи бўлиб, ЎзССР ДХҚ бошқармасида ишлар эканман, мен ички ишлар идораларининг турли даражадаги ходимлари билан тез-тез алоқада бўлиб турардим ва ИИВ бўлинмаларининг кўплаб бошлиқларини билардим. Шунинг учун мамнуният билан қабул қилдим, милицияда ишлашнинг катта истаги бор бўлиб, қийинчиликлардан қўрқмасдим, янги иш менда доим қизиқиш уйғотарди.

Вазир ўринбосари сифатида ДАН, ЖТМҚБ, ВҚБ, алоқа бўлимини бошқарар эдим. Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, гарчи хавфсизлик идораларида мен асосан оператив бўлинмаларда ишлаган бўлсам ҳам, ташқи хизматнинг барча нозик томонларини билишим учун кўп нарсаларга ўрганишимга тўғри келди.

Тўғрисини айтганда ишим ёқарди, ушбу бўлинмаларнинг раҳбарлари Т. Тўхтаев, У. Фахрутдинов, Т. Муродхўжаев, А. Артемьев, В. Пилипюк менга ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилардилар.

Юқорида тилга олинган хизматларда ишлаш олқиш келтирмайди, чунки бу иш ҳамманинг кўз ўнгида бажарилади. Шунинг учун ходимлар ҳам ташқи томондан, ҳам ички томондан замон талабларига жавоб беришлари учун барча чораларни кўришни ўзимнинг бош вазифам, деб билдим.

Бу унчалик осон иш эмас экан. Бўлинмаларда одамлар билан жуда кўп гаплашиш, яккама-якка иш олиб боришга тўғри келди. Кўп ўтмай бу ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Оддий милиция ходимлари, раҳбарлар халқ милицияга ишонмаса муваффақиятга эришиб бўлмаслигини тушуна бошладилар. Ташқи хизмат иши учун одамлардан кела бошлаган дастлабки ташаккурномалар тўғри йўл танланганини тасдиқлади.

(Давоми 3-бетда).

# ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

## ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР ТОРТИБ ОЛИНДИ

Қўқон шаҳар ИИБ ходимлари Туркистон кўчаси бўйлаб бораётган “Тойота“ белгили давлат рақамисиз автомашинани тўхтатишди. Ҳайдовчи ўзини “Дилшод“ ресторани ошпази Р. А. деб таништирди, аммо салондаги “ТОЗ-8“ белгили қирқма милтиқ, 52 дона ўқ кимга қарашли эканлигини айтишга қийналиб қолди.

Худди шу куни шаҳарнинг Жомий кўчасида истиқомат қиладиган Т. ҳам қўлга олинди. Агар милиционерлар озгина эҳтиётсизлик қилганларида, қонунбузарларнинг қўлидаги жанговар граната портлаб кетган бўларди. Тинтув пайтида унинг уйидан “Б-2“ белгили портловчи мослама, “ТОЗ-8“ белгили милтиқ, 15 дона ўқ, 4 дона гилза, 6 грамм наркотик модда топилди.

## ҚЎЙЛАРИ ҲАМ КЕРАК, ПУЛЛАРИ ҲАМ

Сирдарё вилояти фуқароси Олтиариқ районидаги молбозорига келганида, бошига ташвиш тушди. Уч нафар номаълум шахс пичоқ билан қўрқитиб, уч бош қўйини ҳамда 980 сўм пулини тортиб олишди.

Хуллас, сирдарёлик меҳмон қароқчиларни тутиб келтирган милиционерларнинг отасига раҳмат айтяпти.

## “ТЕЗ ЁРДАМ“ ОЖИЗ ҚОЛДИ

Тунги соат бир яримларда Фарғона шаҳридаги Искандаров кўчасида жойлашган 250-хонадонда яшовчи Носир Холбековни шошилинч равишда “Тез ёрдам“ станциясига етказишди. У қорнининг чап томонидан пичоқ орқали жароҳатланганди. Муолажалар фойда бермади.

1974 йилда туғилган Б. Ю. нима учун унинг жонига қасд қилганини тергов жараёнида айтиб берса керак.

## КЕКСАЛАРДАН БЕХАБАР ҚОЛМАНГ!

Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғилоний кўчаси, 22-уйдан 1923 йилда туғилган, иккинчи гуруҳ ногирони Р. Ҳакимовнинг жасади топилди. Мутахассислар мурдани ҳар томонлама ўрганиб кўришди; бирор жойида ҳам тан жароҳати олганлигини билдирувчи белги йўқ экан. Қария камида уч-тўрт кун олдин жон берган, деган гапни айтишяпти улар.

## ЎЗ УЙИДА ЗАҲАРЛАНГАН

Фарғона районининг Ленинград қишлоқ кенгаши ҳудудидаги маҳаллада истиқомат қилувчи, 1978 йилда туғилган Лайло Юсупова шошилинч равишда шифохонага етказилди. У нимадан заҳарланган — ҳозирча маълум эмас.

## ТЕКИН ЛУҚМА ТЕШИБ ЧИҚДИ

Фарғона шаҳрида сураткаш бўлиб ишлайдиган Т. ички ишлар бўлимига номаълум шахс уйидан ўн минг сўмлик буюмларини ўғирлаб кетганлиги ҳақида ариза берди. Текинхўр А. Е. шу тариқа ИИБга олиб келинди.

## ЧАЁН ИШИ НАЙЗА САНЧИШ

Учкўприк районида — каналнинг ўнг қирғоқи бўйлаб бораётган “ГАЗ-24“ белиги 08-69 ТША рақамли автомашинада тасир-тусир олишув бошланди. Кейин машина сувга қулади.

Шу яқин-атрофдаги фуқаролар ёрдами билан ҳайдовчи Х. Нурмуҳамедов ҳамда ўпкасининг чап томонидан пичоқ еган Исмоил исмли киши қутқариб олинди.

Жиноятчи бўлмиш 1967 йилда туғилган, шу районда яшовчи С. О. ни эса милиция ходимлари тутиб келтиришди.

Нурмуҳамедовнинг айтишига қараганда, орқа ўриндиқда ўтирган С. О. ҳайдовчининг ёнидаги йўловчига пичоқ ургач, унинг ўзига ташланган. Икковлон олишиб кетишган ва шу тариқа ҳаммалари сувга шўнғишган.

Афсуски, жабрланувчи ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ,
милиция майори.

*Ўзбекистон милициясининг 75 йиллигига*

# ҚАЙТА ҚУРИШ БОШИДА

Боши 1-бетда.

Бир неча ой ишлаганимдан сўнг Москва ёнига таътилга кетдим. 1985 йилнинг декабрь ойи ўрталарида санаторийга СССР ИИВ кадрлар бошқармасининг бошлиғи қўнғироқ қилиб, зудлик билан Тошкентга етиб боришимни сўради. Таътилим бошланганига ўн кун бўлган эди.

Кечқурун Домодедово аэропортига келдик, эрталабгача учишни кутиб ўтирдик, кейин Фрунзега қўниб, фақат эртаси кечқурун Тошкентга етиб бордик. Самолёт ёнида машиналар кутиб туришарди. Мени вазирликка олиб келишди. ИИВга кираверишдаги зинапояда генерал-полковник В. Лежепеков турарди. У билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасига бордик.

МҚнинг биринчи котиби И. Усмонхўжаевнинг хонасига кўтарилдик, у ерда бўлажак иккинчи котиб В. Анишчев ўтирган экан. Зудлик билан чақирилишимнинг сабаби ҳақида И. Усмонхўжаев дарҳол айтиб қўя қолди. Менга ички ишлар вазири лавозимини таклиф қилишди. Мен рад этдим, аммо И. Усмонхўжаев, В. Анишчев, ва В. Лежепеков мени таъбир жоиз бўлса сиқувга ола бошладилар ва бундай жавоб уларни қониқтирмаслигини билдирдилар.

Шу ўринда рад қилишимнинг сабаблари ҳақида айтиб ўтиш керак. Сабаблардан бири шунда эдики, мен ўша пайтдаги вазир армия генерали Федорчук томонидан ўтказилаётган ички ишлар идораларига раҳбарлик қилиш усулига ўта салбий муносабатда эдим. Бу ҳақда мен ўз вақтида КПСС МҚ маъмурий бўлимининг инструктори Садовский билан гаплашган эдим. У бу аҳвол узоқ давом этмаслигига ишора қилган эди. Лекин шунга қарамай КПСС МҚ маъмурий идоралар бўлимининг бошлиғи Савинков билан суҳбат чоғида яна илтимосимни қондиришларини ва менинг номзодимни вазир лавозимига кўрсатмасликларини, ўз ишимда қолдиришларини сўрадим. Савинков бу КПСС МҚ топшириғи деди, бўйсунишдан бошқа илож қолмади.

1985 йил декабрда мен вазир қилиб тайинландим. Шу заҳотиёқ кўплаб муаммолар пайдо бўлди. Тайинланишимдан сал илгари СССР ИИВ республикадаги асосий лавозимларда ишлаш учун 220 нафар ходим юборган эди. Биринчи кундан бошлабоқ, бу кишилар нима билан шуғулланаётганлари, қандай жойлашганлари билан қизиқдим. Ишлари айтарли даражада эмасди, зеро улар илгариги иш жойларида ўзларини оқлай олмаган кадрлардан иборат эдилар. Лекин айтишим керакки, уларнинг кўпчилиги шинам квартира, анчаси машина олишди. Таҳлилаб ўтмоқчиман, кўпчилик асосий лавозимларни улар эгаллаган эдилар. Масалан, Наманган, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Бухоро ИИБ бошлиқлари, ҚҚАССР ИИВ, Тошкент ИИБ, шунингдек Ўрта Осиё темир йўли ИИБ, жиноят-қидирув, БХСС, ДАН, меҳнат аҳлоқ тузатиш муассасалари, ташкилий-назорат, тергов бошқармаларининг бошлиқлари, вазирнинг учта ўринбосари (шу жумладан биринчи ўринбосари ҳам) Ўзбекистон Компартияси МҚнинг илтимосига кўра СССР ИИВ томонидан тайинланган эдилар.

Менинг кураторларим: МҚда иккинчи котиб — В. Анишчев, Вазирлар Кенгашида раиснинг биринчи ўринбосари — В. Огарок, ЎзССР Олий Кенгаши Президиумида Президиум раисининг ўринбосари А. Романовский эдилар.

Вазирликда мана шундай вазият юзага келган эди. Бунинг устига ИИВ ходимлари қамоққа олинаётган эдилар. Ҳаммаёқда "Гдлян, Иванов" овозалари. Дарвоқе, Гдлян билан бир неча марта учрашишимга тўғри келган.

Бир куни Иттифоқ ички ишлар вазирининг ўринбосари Демидов билан МҚ меҳмонхонасида бўлдим. У кавказлик бир киши билан гаплашди. Суҳбатни тугатиб, ёнимга келаётганида кавказлик: "Нима, ўртоқ Раҳимов ҳеч кимни тан олгиси келмайдими?" — деди. Мен: "Ким бўласиз?"— дедим. "Гдлянман"— жавоб қайтарди у. Фамилияси донг таратган, лекин исми-шарифи менга ҳеч нарса англатмаслигини айтдим. Шунда у ўзини таништирди — СССР Бош прокурори ҳузурида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи.

Бу вақтга келиб мен кадрлар хизматидан Гдлян гуруҳига ёрдам бераётган ички ишлар идоралари ходимларининг рўйхатини тайёрлаб беришни сўрадим. Улар 750 нафардан ортиқ экан. Ходимларимизни бу гуруҳга ўтказишга рухсат берувчи бирорта расмий ҳужжат йўқ эди, ҳар ҳолда мен уларни топа олмадим. Ўринбосаримга ходимларни чақириб олиш тўғрисида топшириқ бердим. Нима бўлганини кўрсангиз эди.

Кўп ўтмай Гдлян вазирнинг биринчи ўринбосари Э. Дидоренко орқали қабул қилишимни сўради. Уларни қабул қилдим. Терговчи ҳибсга олишлар, сўроқлар, тортиб олинган қимматбаҳо буюмлар ҳақида икки соат гапириб ўтирди. Бу вақт ичида унинг ёрдамчиси Иванов бир неча марта қўнғироқ қилди. Кўп ўтмай қўнғироқдан кейин Гдлян менга: "Кўряпсизми, менсиз бир дақиқа ҳам яшай олишмайди"— дерди. Буларнинг ҳаммаси улар нақадар банд эканликларини кўрсатиш учун атайлаб уюштирилганлигини тушуниб турардим. Бизнинг кадрларимиз бу вақтга келиб Гдлян гуруҳидан асосан чақириб олинган эдилар. У суҳбат сўнгида 20 нафар терговчи қолдиришни илтимос қилди ва бу СССР ички ишлар вазири Власов билан келишилганлигини айтди. Мен шу заҳоти Власовга қўнғироқ қилдим. У Гдлян айтган гапни тасдиқлади. Ўз имкониятларимизни ўрганиб чиқиб, Гдлян гуруҳига 10 нафар терговчи ажратдик.

Республика ИИВга юборилган ходимлар талабларга жавоб бермаётганлиги ҳақида мен Власовга бир неча марта маълум қилганман. Бу Власовга ёқмади. Республикада эса бу ҳақда гап очишдан фойда йўқ эди. Кураторларим кимлар бўлганлигини юқорида айтиб ўтдим. Биринчи шахслар эса беқарор кишилар эдиларки, уларнинг олдига бундай масалалар қўйишни бефойда деб ҳисоблар эдим. Аммо ҳайъат мажлисларидан бирида Тошкент ИИБ БХСС бошқармаси бошлиғи ишдан олинганда катта шов-шув кўтарилгани эсимда. Қўнғироқлар, қўнғироқлар. Республика Компартияси Марказқўми томонидан ҳам, республика прокурори томонидан ҳам ҳеч қандай мадад бўлмади. Дарвоқе, прокурор Бутурлин Ўзбекистондан кетгандан кейин ҳам Республика Олий Кенгашининг депутати бўлиб қолаверганлигини тушуниб бўлмайди, чунки бошқаларни МҚ ташкилий бўлими тезда чақириб олган эди.

Ички ишлар вазири лавозимига Бакатин келгандан кейин аҳвол янада оғирлашди. Партия ходимлари нима учун ички ишлар идораларига юборилишини ҳеч қачон тушунмаганман. Власовнинг ўрнига келган Бакатин шундайлардан эди. Власов қандайдир даражада менга қулоқ соларди. Бакатин эса алифни таёқ деёлмаса ҳам, қирқ йил шу соҳада ишлаган мени ўргатмоқчи бўларди.

Бакатин Фарғонага келганида мен Наманганда эдим, лекин республика вазири сифатида Иттифоқ вазирини кутиб олгани бормадим. Биласизми бу мардлик эмасди, шунчаки, у билан гаплашадиган гапим йўқ эди ва мен Тошкентга учиб кетдим. Эртасига Бакатин Тошкентга келди ва мени Вазирлар Кенгаши қароргоҳига таклиф қилди.

Суҳбат жиддий бўлди. Фарғона воқеаларига баҳо беришда фикримиз умуман олганда ҳар хил эди. Мен тўғридан-тўғри у билан ишлай олмаслигимни айтдим, шунинг учун вазирлик лавозимидан бўшатишини сўрадим. Бу 1989 йил 14 июнда бўлган эди.

Бу давр ҳақида жуда кўп гапириш мумкин, кадрларни сақлаб қолиш учун мен қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим деб ҳисоблайман.

Ҳозир, Ўзбекистон мустақилликка эришиши муносабати билан кўплаб кадрлар, ноқонуний равишда бўшатилган ходимлар оқланмоқдалар, ишга қайтмоқдалар.

Ўша алғов-далғов йилларда ишлаганимга ҳеч ачинмайман ва ҳозир ўз хоҳишим билан истеъфога чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Олий мактабида мамнуният билан дарс бераяпман.

Яна бир нарса хусусида икки оғиз сўз. СССРда уюшган жиноятчилик ҳақидаги масала республика ИИВнинг турли даражаларида бир неча марта кўтарилган эди. Буни бутунлай назарга илишмади. Уюшган эмас, балки гуруҳ бўлиб жиноят қилиш бор деб ҳисобланарди. Фақат 1988 йил декабрда республика ИИВнинг ташаббуси билан СССР ИИВ ҳайъатида уюшган жиноятчилик тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва ниҳоят у СССР, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам мавжудлиги расмий равишда эътироф этилди. Бу вақтга келиб у жиноят оламининг кўп миллионли найранглари учун ажойиб иқтисодий база бўлиб қолган эди.

Республика ИИВ кўп йиллар давомида СССР ИИВнинг ўта қаттиқ назорати остида бўлди. СССР ИИВ ва бошқа идораларнинг ходимлари бу ерда ойлаб ўтиришарди. Маҳаллий кадрлардан бўлган раҳбарларга ишонч йўқ, деган тасаввур ҳосил бўларди ва уларнинг ҳаммаси ёрдам бериш кўриниши остида амалга ошириларди, ваҳоланки, ушбу ёрдамчиларнинг ўзларини кўп нарсага ўргатиш керак эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон милициясининг тажрибаси бой, бу ерда ишлаётганларнинг аксарият кўпчилиги малакали кадрлардан иборат. Бугунги кунда ички ишлар идоралари тажрибаси ва нуфузини кўтариш учун барча имкониятлар мавжуд...

# Ҳужжатсиз, лекин граната билан



— Наряд, сафлан!..

— Буюраман...

Тошкент ИИБ пост-патрул хизмати суткали наряди ўз хизматларини айнан шу сўзлар билан бошлайди.

67-автопатрулдагилар милиция катта сержанти Ж. Тўхтасинов, бўлим командири, милиция сержанти А. Садибеков ва ҳайдовчи милиционер П. Муродов навбатчилик оғир ўтишини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Кечки соат еттиларда Тошкент вино заводи яқинидаги бекатда катта бозор сумка кўтариб олган киши уларга жуда шубҳали кўринди.

— Машинани яқинроқ ҳайданг, — деб буюрди командир. Милиция катта сержанти Ж. Тўхтасинов машинадан чиқиб, ўзини шубҳаланган кишига таништирди. У эса беписандлик билан қаради.

— Ҳужжатингизни кўрсатинг!

— Мен ҳужжатимни ўзим билан олиб юрмайман.

— Сумкангизда нима бор? — деб сўради А. Садибеков.

— Айтарли ҳеч нарса йўқ, шунчаки майда-чуйдалар.

— Кўришга рухсат этинг?

— Ҳа, албатта, марҳамат. У бепарво, салобат билан вазмин турар эди. Сумкани кўздан кечираётган катта сержант Ж. Тўхтасиновнинг диққатини арзимас нарсалар тагида ётган кичикроқ ўлчамдаги сумка ўзига тортди.

— Бунисида нима бор?

Бу савол кишининг юзидаги ҳалиги бепарволикни дарҳол тарқатиб юборди.

— Шундай, машинанинг баъзи бир эҳтиёт қисмлари, бугун бозордан сотиб олган эдим.

— Кўрсам бўладими?

У саволга жавоб бермади.

Жумахўжа иккинчи сумкани олиб, текшира бошлади. У ерда ҳеч қандай эҳтиёт қисмлар йўқ эди... Бир оз муддатдан сўнг сумкада: иккита жанговар граната, "Калашников" автоматига мўлжалланган 8 қути ўқ-дори, 3 та портловчи-пакет, гранатанинг 2 та портлатувчи мосламаси, армия намунасидаги противогаз борлиги аниқланди. Қўлга олинган шубҳали киши тез орада Ҳамза райони ички ишлар бўлимига келтирилди. Дарҳол тузилган тезкор-тергов гуруҳи ўз ишини бошлади.

Қидирув давомида шу қуролланган гуруҳнинг яна уч нафар қатнашчиси аниқланди. Уларнинг хонадонлари тинтув қилинди. Натижада танкка қарши қўлланиладиган гранаталар, ўқ-дори, автомат учун ўқдонлар ва ҳаммасидан ҳам ажабланарлиси милиция формаси топилди.

Эсингизда бўлса мақоламизни 67-автопатрул экипажининг тинч ҳаёт даврадаги хизматидан бошлаган эдик. Фақатгина уларнинг сезгирлиги шарофати билан, орттирилган тажрибалари натижасида ўта хавфли жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди.

Ҳозир бу қуроллар қай тарзда ҳибсга олинганлар қўлига тушиб қолганлиги аниқланмоқда.

**Р. СОЛИЕВ,**
**милиция лейтенанти.**

Суратда: тинтув пайтида топилган қуроллар.
**И. ГАМБУРСКИЙ тайёрлаган сурат.**

# *ҚАДИМИЙ ШАҲАР УЧАСТКА ВАКИЛИ*

Агар сиз қўҳна Хоразм диёрида бўлиб, мазаси тилни ёрадиган қовунларидан татиб кўрмасангиз ҳайрон бўлмасликлари мумкин. Лекин шу юртнинг оллоҳ томонидан сақланиб келаётган, асрлар оша барҳаёт қадимий Хива шаҳрини зиёрат қилмасангиз, буни ҳазм қилолмайдилар.

Хива шаҳар ички ишлар бўлими участка вакили, милиция катта лейтенанти Р. Рўзметов ҳикоя қилиб берганлари қанчалик аниқ эканлигини билмайману, аммо унинг сўзларини ўзгаришсиз келтираман. Мана икки йилдирки, у Ичанқалъа (ички қалъа) деб аталувчи участкада хизмат қилади.

Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган кўплаб сайёҳлар бу гўзал маконга афсоналарга кўра машҳур инжил қаҳрамони Нойнинг ўғли Сим асос солганлиги, буюк алломаларимиз Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмийлар шу ерда яшаб ижод этганликлари, алгебра ва алгоритм фанлари шу қўҳна юртдан бутун жаҳонга тарқалганлиги, ва ниҳоят, ҳозирда томоша қилувчилар учун 36 та мадраса ва 8 та музей очилганлиги ҳақида таништириб юрувчи ходимларнинг ҳикояларидан эшитиб оладилар.

Лекин биз мақоламизда кўпчилик бехабар бўлган нарсалар тўғрисида сўзламоқчимиз. Менинг суҳбатдошим учун унинг хизмати ҳам тақдир, ҳам қизиқишдир. Ҳар ҳолда, мен шундай фикрга бордим. Тақдир эканлиги шундаки, Равшанбек шу қадимий қалъа бағрида туғилди, ўсиб улғайди. Қизиқишда, у ўз шаҳрининг тарихини ҳар қандай тарихчидан кам билмайди. Кичик, тор ва чигал кўчаларини бемалол аниқ кўрсатиб бера олади. Бу эса осон иш эмас. Участка майдони 26 гектар. Тўртта кўчасида 278 та турар жойлар



қурилган, бу ерда 1800 га яқин фуқаро яшайди. Дам олиш кунлари эса сайёҳлар билан бир қаторда ўз юмушлари билан келувчилар сони 15 минг нафарга етади.

— Ҳа, муаммолар етарли, албатта, — дейди Р. Рўзметов.

Биз унинг шинам ва қулай таянч пунктига жойлашиб оларканмиз, ойнадан қуриб битказилмай қолган афсонавий Калта минорни томоша қилардик.

— Охирги пайтларда жиддий жиноят содир бўлгани йўқ, 6 та ўғирлик қайд қилинди, улардан тўрттаси фош этилди. Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш шу участкада истиқомат қилувчи одамлар билан мулоқотнинг яхшилигидандир. Уларнинг кўпчилиги менга барча ишларда яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Р. Мадраимов раҳбарлигидаги маҳалла қўмитаси билан биргаликда жамоатчи-дружиначиларнинг навбатчилик графиклари тузиб чиқилди. Қирқ нафар атрофидаги бу одамлар ҳар куни иккитадан кеч соат 18.00 дан ярим тунгача ёритқичлар билан ҳудудни айланиб юришади. Ҳар бир шубҳали шахс ва автомашиналар тўғрисида махсус дафтарчага ёзиб боришади. Шу йўл билан келаётган маълумотлар менинг ишимда катта ёрдам беради, чунки ҳар бир майда нарсалар ҳам эътиборга олинган бўлиб, баъзида улар кўп ишларни ҳал қилади. Ҳар доим Х. Абдуллаев, Д. Ражабов, Хива қўриқхонаси дирекциясининг ишчиси У. Машарипов, маҳалла қўмитасининг котиби С. Ортиқовларга суянаман.

Участкада қарийб 800 нафар ўсмир бор. Сўнгги пайтларда улар томонидан қонунбузарлик анча камайди, сабаби кўпчилиги иш билан машғул.

Маҳалла қўмитаси бошчилигида бўш ётган бинода кичикроқ спорт зал қурдик. Бу ерда болалар кураш ва бокс билан шуғулланишяпти. Ёши каттароқлари кулолчилик, темирчилик устахоналарида ҳар хил эсдаликлар, зеб-зийнатлар ясашда ёрдам беришади. Кўпчилик болалар эса дружиначи сифатида ҳам яхши иш олиб боришмоқда.

Мана, биз яна қадимий шаҳарнинг тор кўчаларидамиз. Паҳлавон Маҳмуд мавзолейига таъзим бажо келтириш учун келин-куёвлар узоқ-узоқдан ташриф буюрадилар. Бу ажойиб удум уларнинг ҳаётида бир умр эсда қолади. Биз ҳам муқаддас қудуқдан сув олиб ичдик.

Қадимий шаҳар участка вакили биз билан хайрлашаётганда, ботаётган қуёш ажойиб Ислом ҳожи минораси тепасида эди.

Бугунги кун жуда тинч ўтди бундан кейин ҳам кўҳна Хивада осойишталик ҳукм суришини тилаб қоламиз.

**А. СТЕПАНОВ.**

*Республика қўриқлаш идораларининг 40 йиллигига*

## МАСЪУЛИЯТНИ ЧУҚУР ҲИС ЭТИБ

Мустақил Ўзбекистоннинг мулкини қўриқлаш ва ҳимоялашнинг катта юки ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари зиммасидадир. Ана шу хизмат ходимлари зиммасига давлат, жамоат ва фуқароларнинг шахсий мулкини жиноий ҳаракатлардан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Ушбу хизмат ўз фаолиятини бундан қирқ йил олдин бошлаган эди.

Дастлабки йилларда у дўкончалар, кичик омборлар, маиший хизмат кўрсатиш устахоналарини қўриқлаши лозим эди. Қоровуллар таркиби ҳам ҳар хил калибрдаги "берданка"лару ҳуштаклар билангина қуролланганди. Ҳаракатланувчи техникалари эса 5 мотоцикл ва 49 велосипеддан иборат бўлган.

Объектларни қўриқлашда милиция ҳузуридаги идоралардан ташқари қўриқлаш хизматининг ҳам ижобий тажрибаси эътиборга олиниб, бундан кейин халқ хўжалиги объектларини қўриқлаш ишларини уларга юклатиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ўша даврларда корхона, ташкилот ва муассасаларни қўриқлаш борасидаги кўрилган чора-тадбирлар яхши натижаларга олиб келганлигига қарамасдан, мақсад режадагидек бормас, товар-моддий бойликларни ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ўғрилик камаймас эди.

Олтмишинчи йилларнинг ўрталарига келиб, идоралардан ташқари қўриқчиликнинг қоровул ва постлар бригадирлари ўрнига тунги милиция хизматини тузиш режалаштирилди. 1964 йилда эса, Чирчиқ шаҳрида республика Вазирлар Кенгашининг рухсати билан тажриба сифатида Ўзбекистонда биринчи тунги милиция бўлинмаси фаолият кўрсата бошлади. Унинг шахсий таркибига объектларни қўриқлаш билан бирга постлар ҳудудида ёки патруллик йўналишларида жиноий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш вазифалари ҳам юклатилди.

Бугунги кунга келиб 191 шаҳар ва район ИИБлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари таркибида қўриқлаш милиция хизмати фаолият кўрсатиб турибди. Халқ хўжалиги объектларини ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш учун республика ҳудудида 12 авто, 82 мото, 172 пиёда милиция патруллик йўналишлари ишлаб чиқилган. Улар уч ярим мингга яқин халқ хўжалиги объектларини ўз ҳимояларига олганлар.

Қўриқлаш бўлинмалари ўзларининг илк фаолият кўрсата бошлаган давриданоқ замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланишга катта эътибор бериб келган. Идорадан ташқари қўриқчиликда марказлаштирилган назорат пультидан фойдаланиш шулар жумласидандир.

1964 йилда республика бўйича биринчи бўлиб Тошкент шаҳрида марказлашган қўриқчилик пунктлари вужудга келди. 33-сон автоматик телефон станцияси негизида 200 рақамга мўлжалланган ясама пульт ўрнатилди. У, асосан, савдо нуқталарини назорат қиларди.

Ҳозирда эса марказлашган қўриқлаш пунктлари 16 мингдан ортиқ халқ хўжалиги объектлари ва фуқароларнинг 28 мингга яқин хонадонини ўз ҳимояси остига олган.

1987 йилда Тошкентнинг Ҳумоюн мавзесида илк бор домофонлар амалда қўлланилган ва улар билан 192 хонадон жиҳозланган эди., Айни вақтда эса бу кўрсаткич 25 мингни ташкил этади.

Қўриқлаш хизмати давлат, жамоат ва шахсий мулкни қўриқлашга ихтисослашган давлат миқёсидаги ягона масъул ташкилот ҳисобланади. Ўзбекистондаги деярли барча йирик корхоналар, ташкилотлар, муассасалар унинг ишончли ҳимоясидадир. Буларни давлат ва жамғарма банклари, муассаса ва корхоналарнинг хазинахоналари, музейлар, қурол-яроғ, қимматбаҳо металлар сақланадиган омборлар сингари ўта муҳим объектлар ташкил этади.

Бугунги кунда Республика "Қўриқлаш" бирлашмаси соҳасига милиция, ҳарбийлашган қоровул ва назоратчилик бўлинмалари киради. Ҳарбийлашган ва қоровул хизмати бўлинмалари бошқа объектлар билан бир қаторда халқ хўжалигининг ўн мингта яқин объектини ҳам қўриқламоқда. Бу ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари ихтиёридаги объектларнинг оз қисми бўлишига қарамай, ҳарбийлашган соқчилик ўқчилари ва қоровуллар томонидан минглаб талончи ва ўғрилар ушланадики, улардан олинган маҳсулотларнинг умумий таннархи юз минглаб сўмни ташкил қилади.

Қоровул ва ҳарбийлашган соқчиликнинг ўқчиси ўз-ўзича иш олиб бормайди, албатта. Улар ҳар доим милиция ходимлари билан мустаҳкам алоқада бўладилар ва уларнинг биринчи хабарлариданоқ жиноятчини ёки ўғрини ушлаш учун ёрдамга шошиладилар.

Қўриқлаш милиция нарядлари энг тезкор, деб тан олинган. Ҳар йили улар томонидан фақат қўриқланаётган объектларда ўғрилик ёки бошқа тажовузкорлик ҳаракатлари содир қилгани учун икки мингта яқин шахслар қўлга олинади.

Бугун ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида яратилган замонавий ташвишогоҳ воситалари билан жиҳозланган. Қўриқлаш техника воситалари орасида ҳажмли, инфрақизил, фотоэлектрли, радиотўлқинли асбоб ва узаткичлар, шунингдек, микропроцессорли ва ҳисоб техникаси қўлланиладиган автоматлаштирилган тармоқ, биноларда жойлашган ҳар хил жиҳозлар ва хоналарни қўриқлашга мослаштирилган телевизион қурилмалар мавжуд. Айни вақтда қўриқланаётган барча нуқталар ташвишогоҳлар билан жиҳозланган.

Ўта муҳим объектлар ташвишогоҳларнинг бир неча ҳимоя босқичи билан таъминланган. Мўъжиза рўй бериб, жиноятчи ташқи босқичдан ўтиб, ичкарига кирган тақдирда ҳам ҳажмли ҳимоя босқичи деб аталмиш чегарадан ўта олмайди; асбоблар шу оннинг ўзидаёқ марказлашган қўриқлаш пунктига хабар беради. Ҳар бир марказлашган қўриқлаш пунктида бир неча қўлга олиш гуруҳи мунтазам навбатчиликда туради. Уларнинг асосий вазифалари қўриқланаётган жойга бегона кишининг киргани ҳақидаги хабарни олган заҳоти ўша ерга бориб, жиноятчини қўлга олишдир.

Бирлашма раҳбарияти кадрларни танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш ишларига катта эътибор бериб келмоқда. Ҳозирда қўриқлаш бўлинмалари жипслашган, байналмилал жамоадир. Ходимларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Жумладан, Учқудуқ шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасининг бошлиғи милиция капитани А. Собиров, Ғиждувон райони ИИБдан милиция лейтенанти В. Тўхтаев, Ғаллаорол райони ИИБдан милиция сержанти Ҳ. Бобохонов, Навоий шаҳар ИИБдан участка бошлиғи Қ. Жўраевлар бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқдалар.

Ёш авлодни тарбиялашда ички ишлар идоралари ва қўриқлаш бўлинмалари фахрийлари яқиндан ёрдам беришмоқда. Уларнинг тажрибаси, билими, шахсий таркиб орасидаги тарғибот ишлари ўз самарасини бериб келмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, истеъфодаги милиция генераллари Ш. Ҳасанбоев, Ж. Аъзамов, полковниклар К. Эргашев, А. Аҳмедовлар томонидан қилинган ишлар таҳсинга лойиқдир. Улар жиноятчилик ва ташмачилик билан курашда нафақат ўзларининг маслаҳатлари билан, балки баъзи бир тадбирларда бевосита иштироклари билан ҳам яқиндан ёрдам беришмоқдаки, бу бизни жуда руҳлантиради.

Ўзининг 40 йиллик тарихи мобайнида "Қўриқлаш" бирлашмаси суст жиҳозланган хизматдан ички ишлар идораларининг йирик хизматларидан бирига айланди. У ўзининг илк даврларида кичик-кичик объектларни қўриқлаган бўлса, бугунги кунга келиб ҳукумат бинолари, саноат объектлари ва бошқа ўта муҳим жойларни ишонч билан ўз ҳимояси остига олган.

**Ҳ. Р. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси бошлиғи, милиция полковниги.**

## БУРЧГА САДОҚАТ

Андижон вилояти ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари ходимларига бозор иқтисодиётига ўтиш даври анча-мунча ташвиш келтирди. Аммо бурчларига садоқатли ходимлар ўз вазифаларига зарра ҳам эътиборни сусайтирмай, ўзларининг 40 йиллик байрамларини муносиб кутиб олиш учун кўпгина ишларни амалга оширдилар.

Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими кичик нозири милиция сержанти З. Назаров кечаси шу бўлим қоровуллари Р. Йўлдошев ва Ғ. Аҳмедовлар билан биргаликда объектларни кўздан кечириб келишмоқда эди. Уй қурилиши комбинати ёнида шубҳали шарпаларни кўриб қолишди. "Шарпа"лар қўлидаги юкнинг оғирлиги қоронғу кечада ҳам сезилиб турарди. Милиция формасидаги йигитларни кўриб улар қочишга уриндилар, аммо қўриқлаш хизмати ходимларининг эпчиллиги туфайли узоққа кетолмадилар. Қўлга тушган, ҳеч қаерда ишламайдиган Т. Х., Р. К,, ва А. Хлар корхона ошхонасидан 80 килограмм гўштни ўғирлашган экан.

Андижон "Электродвигатель" заводини қўриқлаб турган милиция сержанти И. Усмонов ва милиция кичик сержанти У. Матхолиқов кечаси соат 12 ларда ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Йўлчиевни ушладилар. Бу шахс заводнинг 1-цехидан 6 минг 50 сўм турадиган моторни ўғирлаб кетаётган экан.

Қўриқлаш ходимларининг қўлига қорамол ўғрилари ҳам тушиб туради. Оламушук қишлоғидаги чойхона хизматчиси Х. З. шундайлардан бири. Бу йигит Тошматов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ф. Т. ҳовлисидан сигир ўғирлаб, етаклаб кетаётганда Жалолқудуқ райони ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси милиционерлари — милиция катта сержанти Х. Тиллаев ва милиция кичик сержанти Ф. Исомиддиновлар тутиб олишди.

Хўжаликда ҳамма нарса керак бўлиб қолади, деган ўйдаги шахслар металлом ҳам ўғирлашади. Андижон уй қурилиши комбинати пайвандчиси О. У. тракторчи И. У. билан тил бириктирди. Унинг тракторига 400 килограмм темир юклаб, дарвозадан чиқиб кетишаётган пайтда қўриқлаш бўлимининг участка бошлиғи Я. Каримовнинг сезгирлиги туфайли қўлга тушишди.

Кечаси соат уч яримларда Андижон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими катта нозири милиция лейтенанти К. Мақсудов шу бўлим қоровули А. Мамасаидов билан биргаликда уч шахснинг тугун кўтариб кетишаётганини кўриб қолишди. Номаълум шахслар милиция ходимининг тўхташ ҳақидаги талабларига бўйсунмай, жуфтакни ростлашга уриндилар. Қочаётганларнинг биттаси — йигирма ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган Б. Н. қўлга тушди. Тугунлар очилиб, бор нарсалар қаралганда фақат хорижда ишланган моллар чиқди. Улардан кичик бир дўкон очса ҳам бўларди. Ўғирланган молларнинг орасида курткалар, футболкалар, эркаклар кўйлаклари, шимлари, кроссовка ва шиппаклар бор эди, буларнинг умумий нархи 40 минг сўмдан ошиб кетганди. Суриштиришлар шуни кўрсатдики, аёл ўз дўстлари билан қўриқланмайдиган тижорат дўконини ўмаришган экан. Жавобгарликдан қўрққан Б. Н. қўриқлаш хизмати ходимларига 80 минг сўм пора таклиф қилди. Ҳаром йўлга ўтган бу жувон милиция ходимларини ўзига ўхшатган бўлса керак.

Қўриқлаш хизматининг ходимлари содир этилган жиноятларни очишда ҳам моҳирлиқ кўрсата оладилар. Яқинда Андижон трикотаж фабрикаси ҳудудида жойлашган "Намуна" ижара фабрикасидан шаҳар ИИБга қимматбаҳо тола ўғирланганлиги тўғрисида ариза тушди. ИИБ раҳбарияти жиноятни очиш учун ўғирлик содир этилган жойга қўриқлаш бўлими батальонининг бошлиғи лавозимини вақтинча бажарувчи милиция катта лейтенанти К. Тўхтаев ва рота командири милиция катта лейтенанти Р. Юсуповни юборди. Тезкор ва моҳирона кўрилган чоралар натижасида ушбу фабрика ишчиси П. И. ва 5- автоколонна ҳайдовчиси Т. Н.лар ушланди. Шунчалик қисқа вақт ичида фош бўлишларини кутмаган бу икки шахс ўғирланган молни қаерга яширганликларини айтиб беришга мажбур бўлдилар. Шу нарсалар аниқландики, улар эрталаб соат олтида давлат нархи 90 минг сўм келадиган толани машинага ортиб "Бобур" ширкатига олиб бориб яшириб қўйишган.

Мисолларни келтиришимдан мақсад, корхона, ташкилот, муассаса ва товар-моддий бойликлар сақланадиган, ишлаб чиқариладиган объектлар раҳбарлари ҳеч иккиланмай қўриқлаш хизматига мурожаат қилишлари мумкин. Ана шунда давлат мулки ишончли қўлларда бўлади.

**А. НУРМАТОВ,**
**милиция подполковниги.**





## Давлат суғуртаси каби кафолат берилади



Мирobод райони республика пойтахтидаги энг йирик районлардан бири, шунинг учун ҳам РИИБ ҳузуриддаги қўриқлаш бўлими олдида турган вазифалар ҳам анча мураккаб.

— Бугунги кунда 324 та халқ хўжалик биноси ва фуқароларнинг 2200 дан ортиқ хонадони бизнинг ҳимоямизда, — дейди бўлим бошлиғи милиция капитани Я. Алиев. — Қўриқланаётган энг муҳим объектлар орасида "Қизил тонг" ва "Учқун" тикувчилик бирлашмалари, "Подьёмник" заводи, йирик районлараро саноат базаси каби катта объектлар бор. Булардан ташқари марказлаштирилган пультга 20 та жамғарма банки ва 17 та тижорат дўкони уланган. Хуллас ходимларимиз зерикиш нима эканлигини билишмайди. Улар, аттестациядан ўтганлар билан қўшиб ҳисобланганда 900 кишидан ортиқ. Аслини олганда ҳар куни у ёки бу МҚПдан ташвишли хабар келиб туради. Олдини олиш ишларига ҳам кўп вақт сарфлаймиз.

Қўриқлаш хизматининг қимматлашуви туфайли баъзи корхоналар шартномаларини қайта тузишга ошиқмаётирлар. Раҳбарларни кўндиришга тўғри келмоқда. Гап шундаки, қўриқлаш бўлими мол-мулкнинг даҳлсизлигига кафолат беради ва агар қўриқланаётган объектда бизнинг айбимиз билан ўғирлик содир бўлса, биз кўрилган зарарни қоплашга мажбурмиз. Бошқача қилиб айтганда, кимдир бино ёки хонадонини қўриқлашга қўйса ўзига хос суғурта қилган бўлади.

Хизматимизни қўриқлаш ва ёнғинга қарши ташвишогоҳ воситалари билан таъминлашда муаммолар юзага келмоқда, — деб

## Ижод

(Давоми. Боши газетанинг 64-87-сонларида чоп этилган).

Такси олиб меҳмонхонага қайтдим. Хизматчи чол доимгидек пештахта ортида ўтирарди. У менга таъзим қилди. Ундан кўп нарсалар ҳақида сўрамоқчи эдим-у, лекин тил билмаслик ўтиб бўлмас тўсиқ эди. Қаёққа борма, тилмоч керак. Ана шунда аэропортда менга манзилгоҳи ва телефони ёзилган қоғоз қолдирган тил билувчи Вонг Хон Хо ёдимга тушди. У ёрдам бериши мумкин эди.

Лейланинг эшиги ёпиқ эди. Тақиллатдим. Жавоб бўлмади. Бориб кўрсам қулфлоғлик экан. Яна тақиллатдим, қулоқ солиб турдим, ҳеч нарса эшитилмагач, хонамга йўл олдим.

Нима қилишимни билмай, костюмим, галстугим ва туфлимни ечдим-да, ўрнимга чўзилдим. Калламга ҳеч қандай фикр келмасди, кўп ўтмай мудраб қолибман.

Соат ўнда эшикнинг аста тақиллашидан уйғониб кетдим. Ўрнимдан иргиб туриб эшикни очдим. Остонада турган югурдак бола имо-ишора билан пастга тушишимни сўрарди. Кийиниб, орқасидан эргашдим. Қари хизматчи менга телефон трубкасини узатди.

Бош инспектор Маккарти қўнғироқ қилаётган экан:

— Менга гапириб берган қиз хусусида сўрамоқчи эдим, — деди у. — Унга ўтган кеча яшм узук олиб бердим деганмидингиз?

Қотиб қолдим.

— Ха... яшмга ўхшатиб ишланган.

— Такси олиб, Четхем-Роуддаги полиция участкасига кела оласизми? Улар бир қизни топишибди, балки сиз айтган қиздир. Бармоғида сунъий яшмдан ясалган узук бор экан.

— Ўлганми? — сўрадим даҳшатдан титраб.

— Батамом, — трубкадан димоғимга хушбўй тамакисининг ҳиди урилгандай бўлди. — Бориб, уни таниш-танимаслигингизни айтсангиз маъқул бўларди. Сержант Хемишни сўрайсиз.

— У ҳам шотландияликми?

— Шундай. Бизнинг бу ердаги полицияда шотландияликлар кўп.

Қирқ дақиқалардан сўнг Четхем-Роуддаги полиция участкасига етиб бордим. Деворларга тахминан элликка яқин хитойлик эркак ва аёллар мурдаларининг суратлари осиб қўйилган. Гарчи, хитой ва инглиз тилларида уларни ким танийди, деб ёзиб қўйилган бўлса ҳам, абжағи чиққан мурдалардан бунинг уддасидан чиқиш амримаҳол эди.

Сержант Хемишни топиб, қизнинг мурдасини кўрсатишини сўрадим. У трубкасини олиб тутата бошлади. Гонконг полициясида афтидан фақат ашаддий кашандалар ишлайдиганга ўхшайди.

— Тўғри. Бош инспектор сиз уни таний оласиз деб ҳисобламоқда. Мурда ўтган тунда, тахминан соат иккиларда бўғоздан топилди. Ундан кам нарса қолган. Бу жин ургурлар ўз жонларига қасд қилаверишади. Ҳар куни ўндан ортиқ ўлик топамиз. Хитойликлар ҳаётларини қадрлашмайди.

Ўликхонага тушганимизда сержант столга ёпилган чойшабни кўтариб, бармоғига яшм тақилган кичкина сариқ қўлни кўрсатди.

— Уни танисангиз тушликни ўз вақтида қилардим, — деди у. — Чўчқа гўшти билан тухум қовуриб қўйганман.

Узук ва жажжи қўлларига қарадим.

— Ҳа, бу ўша узук, — кўнглим айниб кетди.

У қўлни чойшаб билан ёпиб қўйди.

— О, кэй, бош инспекторга шундай деб айтаман.

Олдинга қадам ташлаб чойшабни кўтардим. Рўпарамда Лейланинг жасади ётарди. У билан видолашмоқчи бўлдим-у, аммо мажолим етмади. Дастурхон устидаги кулишлари ёдимга тушди. Бу унинг хайрлашув қилиқлари бўлиб чиқди. Таниш-билишлигимиз кўп давом этмаган бўлса-да унинг қиёфаси хотирамда ўрнашиб қолди.

Нариги томонда, стол ёнида мени терговчи кутиб турганди. У афти қип-қизил, барзанги киши бўлиб, фамилияси Мак-Ферсон экан: шотландиялик полициячиларни охири кўринмайдиганга ўхшарди. Меҳмонхонагача унинг машинасида бордик.

Хизматчи билан у тутила-тутила хитойча гаплашди ва Лейла яшаган хонанинг калитини олди.

— Содда-муғомбир чол, — деди у йўлакда кетар эканмиз. — Бу ер билан қизиқиб кўриш керак. У қизни фоҳиша эмас дейди, аммо уни тушунса бўлади.

Унинг гапи мени лол қолдирди. Лейланинг қабр тошида бу қабиҳ сўзлардан бошқачароқ ибора ёзилиши керак эди.

Мак-Ферсон кичкинагина эшикни очиб, хонага кирди, мен йўлакда қолдим. У исковучларга хос синчковлик билан хонани титкилай бошлади. Жавонда учта кўйлак, тортмада ички либос — Лейланинг ғарибона уст-боши ётарди.




Бирдан Мак-Ферсон нимадир деб тўнғиллади-да жавоннинг паст қисмини синчиклаб текшира бошлади.

— Худди шундай чиқар деб ўйлагандим, — деди у ва энгашиб, бир бўлак зар қоғоз олди.

— Буни нималигини биласизми? — сўради у зар қоғозни менга кўрсатар экан. Қоғознинг марказида қора қурум доғи бор эди.

— Сиз айтиб бера қолинг, — илтимос қилдим.

У яна энгашиб жавон тагини синчиклаб текшира бошлади. Бу сафар у ярим ёнган зиғирдаккина шам топди.

Қўлида зар қоғоз ва шам билан ўрин чеккасига ўтираркан, гапга тушиб кетди.

— У гиёҳванд бўлган. Бу нарсалар ҳар ҳафтада қанчадан-қанча бечораларнинг ёстиғини қуритади.

— Нима деяпсиз, ўзи?

— Агар мана шунақа кичкина мосламанг бўлса, демак сен гиёҳвандсан, — деди Мак-Ферсон. — У қандай таъсир қилишини биласизми? Героинни зар қоғозга ўраб, ёниб турган шам устида ушлаб турасиз ва чиққан тутунни ҳидлайсиз. Бунинг ҳаммасини бир неча сонияда тайёрласа бўлади. Ҳукумат қорадори чекувчиларга уруш эълон қилишдан бошқа бамаъни йўл топа олмади. Таъқиқлаш энг осон йўл деб ўйлашганди. Илгари гиёҳвандларга бино, кўрпа-тўшак ва чекиш асбоблари керак бўлар, улар бесўнақай бўлишдан ташқари қиммат ҳам эди. Бангихонани топиш ва асбобларни синдириб ташлаш қийин эмасди. Чилим анча қиммат туради, бангги уни чекиб олиб, тўшакка ағанаганда чилим билан қўлга олишдан осони йўқ, — шундай дер экан у менга қараб қўйди. — Гиёҳвандлар қорадоридан героин олишни ўрганиб олишди, бунинг учун бор-йўғи зар қоғоз билан шам керак, холос. Бу оғуни ҳамма ерда: кинода, ҳожатхонада, трамвайда, автобусда, таксида — учраган жойда ҳидлаш мумкин. Эътибор берсангиз, ҳайвон ёғидан қилинган кичкина шамларни энг кутилмаган жойларда ҳам учратасиз. Демак, кимдир бу ерда героин ҳидлаган. Нашабанги гиёҳванд — қотил эмас. Лекин адашманг: героин ўлдиради. Агар хитойликларга наша чекишга эрк бериб қўйсангиз, гиёҳвандларни эплаб бўлмай қолади.

— Маърузангиз учун раҳмат, — дедим иягимни қашлар эканман. — Лекин у ўз жонига қасд қилган деб ҳам, гиёҳванд бўлган деб ҳам ўйламайман. Уни ўлдиришган, мана бу арзимас нарсаларни эса атайлаб сиз учун ташлаб кетишган.

Мак-Ферсоннинг ҳиссиз юзи тундлигича қолаверди. У Гонконг полицияси шунчалик ёқтириб қолган трубкадан олиб чека бошлади.

— Шундай деб ўйлайсизми? — деди у масхараомуз кулимсираб. — Бошлиқ сизни хусусий изқувар деди. Чандлер билан Хамистни ўқиганман, ёзишни қотирворишади. Лекин воқелик бошқача.

— Эҳтимол. Майли, ташвиш тортманг. Буларнинг унчалик аҳамияти йўқ.

— Нега уни ўлдиришган деб ўйлаяпсиз? — унинг овозида ҳеч қандай қизиқиш йўқ эди.

— Сизни ишонтира олмасман деб ўйлайман. Унинг буюмларини нима қилмоқчисиз?

— Участкага олиб кетаман. Балки кимдир сўраб қолар. Қари муғомбир унинг қариндош-уруғлари бор-йўқлигини билмас эмиш. У билан гаплашиб кўрдим — мутлақо ҳеч нарса билмайди, — Мак-Ферсон ўрнидан турди. — Бу ҳақда бош қотирманг, — деди Лейланинг нарсаларини жавондан топилган арзон жомадонга жойлар экан. — Агар биз сингари ишлаганингизда эди, бу тўғрида бир дақиқадан ортиқ ўйламаган бўлардингиз.

— Эҳтимол. Қизиқ фикр.

У ўйланқираб менга қаради.

— Қандай фикр?

— Унинг қотиллари сиз бу ҳақда бир дақиқадан ортиқ ўйламаслигингизни ҳисобга олишгандир балки, а?

У қаҳрли тиржайди.

— Қўйсангизчи. Биз юзлаб ўзини ўлдирганларга дуч келамиз...

У жонимга тегиб кетганди.

— Мен эса биринчи марта дуч келяпман, — йўлакни кесиб ўтиб, хонамга қараб кетдим. — Бу ерда яна неча кун бўламан, балки, сизларга керак бўлиб қоларман.

У менга диққат билан тикилиб қолди, манманлиги бир оз пасайгандай бўлди.

— Менга керак бўлишингизни қаёқдан билдингиз?

— Нима десам экан, балки биргалашиб саргузашт романлар ўқирмидик, — жавоб қилдим эшикни ёпар эканман.

Қари Жефферсоннинг пулларини сарфлайдиган вақт келди. Меҳмонхона хизматчиси менга Мак-Ферсонга айтганларидан кўра анча кўп нарса гапириб бериши мумкинлигини қалбим сезиб турарди, аммо бунинг учун уни рағбатлантириш керак эди.

Мак-Ферсон кетганига ишонч ҳосил қилгач, чол ўтирган пештахта ёнига тушдим. У шубҳаланиб менга қаради. Мен телефонга ишора қилдим.

Вонг Хон Хо гўё телефон ёнида қўнғироқ қилишимни кутиб ўтиргандай дарров жавоб қилди.

— Мен ёдингиздаманми? — сўрадим. — Аэропортда телефонингизни берган эдингиз. Менга таржимон керак.

— Хизматингизга тайёрман, сэр.

— Ярим соатдан сўнг Шанхай ва Гонконг банки ёнида мен билан учраша олмайсизми?

У қувонч билан келишини айтди.

— Менга машина керак.

Вонг Хон Хо ёрдам беришдан хурсанд эканлигини ва бутунлай менинг ихтиёримдалигини айтди. Гўё йўлбошловчилик вазифаси унга ҳеч қандай ташвиш орттирмайдигандек, қувноқ овозда гапирар эди.

Раҳмат айтиб, трубкани жойига қўйдим. Такси олиб, банкка келдим. Жанет Вест берган аккредитивлар бўйича пул олиб, кўчага чиқдим. Шимнинг орқа чўнтаги Гонконг долларидан қаппайиб турарди.

Вонг Хон Хо ўн дақиқадан сўнг ярқираб турган "Паккард"да етиб келди. Саломлашдик, мен унга ўз исмимни айтдим. У ўзини Вонг деб аташимни сўради. Барча америкалик мижозлар уни шундай деб аташаркан. Агар мен ҳам шундай қилсам у ўзини бахтиёр ҳисоблар эмиш.

— Менинг меҳмонхонамга борамиз. У ердаги хизматчидан баъзи маълумотлар олишим керак, у эса инглизчани билмайди. Мен хусусий изқуварман, ҳозир бир иш олиб бораяпман,— деб тушунтирдим.

У хурсанд бўлганича тилла тишларини ялтиратиб тиржайди.

— Мен жуда кўп саргузашт романлар ўқиганман, — деди Вонг. — Ҳақиқий изқуварни кўришдан мамнунман, сэр.

— Мана бу сизнинг кундалик иш ҳақингиз, — дедим унга эллик доллар бериб. — Сизни вақти-вақти билан безовта қилиб турадиганга ўхшайман.

Вонг бу пул етарли эканлигини, лекин машина учун қўшимча ҳақ тўлаш лозимлигини айтди. Савдолашиш қўлимдан келмайди, бунинг устига ортиқча зиқналик юзага келаётган ҳамкорликка раҳна солиши мумкин, деб ўйладим.

Меҳмонхона ёнига келиб машинани соҳил ёнига қўйдик.

— Бу яхши меҳмонхона эмас, — деди Вонг зинадан кўтарилаётганимизда. — Бу ерда туришингизни маслаҳат бермас эдим, сэр. Агар истасангиз, бошқа меҳмонхонадан дурустгина хона топиб бераман.

— Гап унда эмас. Бир ишни уддаламагунимча...

Қари хизматчи менга таъзим қилди, Вонгга эса бепарво қараб қўйди. У ҳам чолга шундай назар ташлади.

— Унга бир неча савол бермоқчи эканлигимни айтинг, — дедим Вонгга. — Агар ёрдам берса ҳақини тўлайман. Шундай гапирингки, хафа бўлмасин.

Вонг бидирлай бошлади. Сўз орасида таъзим қилиб ҳам қўярди. Гапининг ўртасида мен бир сиқим пул чиқариб, ўнта беш долларлик олдим-да, қолганларини чўнтагимга солиб қўйдим.

Қўлимдаги пуллар чолни Вонгнинг гапларидан кўра анча қизиқтириб қўйган эди. Ниҳоят, у менинг ҳар қандай саволларимга жавоб беришдан хурсанд эканлигини маълум қилди.

Мен унга Жо-Эннинг вафотидан сўнг олинган суратини узатдим.

— Сўрангчи, бу қизни танирмикан?

Чол суратни узоқ ва диққат билан кўздан кечирди, сўнг нимадир деб валдирай кетди. Вонгнинг таржима қилишича, бу қиз шу меҳмонхонада яшаган, бундан ўн беш кун илгари ҳақини тўламай кетиб қолган экан. Меҳмон унинг қарзларини тўламоқчи эмасми? Мен рад жавобини бердим.

Шундан кейин савол-жавоблардан сўнг Вонг давом этди:

— Қиз америкалик жентельменга турмушга чиққан бўлиб, у билан бир хонада яшар экан. Эрининг исми Герман Жефферсон, автомобил фалокатида ҳалок бўлган, қиз эса қарзини тўламай жўнаб кетган.

Мен Жефферсоннинг Жанет Вест берган суратини кўрсатдим.

— Сўрангчи, бу киши кимлигини билармикин?

Иккаласи яна алланималар дейишди, шундан сўнг қария кўзларини қисганича суратга қаради. Вонг таржима қилди.

— Бу шу ерда турган ўша америкалик жентельмен экан.

— Қанча яшаган?

Вонгнинг таржима қилишича, америкалик меҳмонхонада ўлимига қадар турган эмиш.

Бу биринчи чалкашлик эди. Лейланинг гапига қараганда Жефферсон бу ердан тўққиз ой илгари кетган.

— Менга Жефферсон бу ерда уч ойгина яшаган, шундан сўнг хотинини ташлаб қаергадир кетиб қолган дейишган эди. Ўшандан бери тўққиз ой ўтган.

Менинг сўзларим Вонгни ҳайрон қолдирди. Хизматчи билан гаплашиб олгач, иккиланиброқ деди:

— У америкалик жентельмен умрининг охиригача шу ерда турганига мутлақо аминман деяпти.

Агар чол тўғри гапираётган бўлса, унда Лейла ёлғон сўзлаган.

— Унга айтингки, Лейланинг гапига қараганда Жефферсон меҳмонхонадан тўққиз ой бурун кетган. Айтингки, мен у ёлғон гапираяпти деб ўйлайман.

Вонг билан чол бир-бирининг сўзини бўлиб гапира кетишди. Бирданига Вонг кулиб менга қаради.

— У алдамаяпти, мистер Рейн. Қиз адашган. Жефферсон эрта тонгда кетиб, жуда кеч қайтар экан. Қиз уни учратмагани учун кетиб қолган деб ўйлаган.

— Унда нима учун Жо-Эн Лейлага эрим мени ташлаб кетди деб айтган, — дедим мен қатъий оҳангда.

Чол жавоб бермади. У қўрқиб кетган тошбақага ўхшаб бошини елкаси ичига тортиб олди-да, мўлтираганича менга тикилиб тураверди. Унинг асабий ва шоша-пиша қилаётган ҳатти-ҳаракатларидан билдимки, пулни олса-ю, ўзи четда қолса.

— Бу саволга қандай жавоб қилишни билмаяпти, сэр, — деди Вонг.

— Жефферсон қайси маблағ ҳисобига кун кечирган? — сўрадим мен, масалага бошқа томондан ёндошишга ҳаракат қилиб.

Хизматчи билмаслигини айтди.

— Германникида овруполиклар бўлишармиди?

— Йўқ.

— Жо-Эннинг олдига дўстлари келиб туришармиди?

Яна шундай жавоб.

Ундан бошқа ҳеч нарса била олмаслигим маълум бўлиб қолди. Бу фикрдан жаҳлим чиқди. Лейланинг айтганлари ҳисобга олинмаса, қўлга илинарли ҳеч вақо йўқ.

— Жо-Эн кетаётганида хонасида бирор нарса қолдирганми? — деб сўрадим, гўё шунчаки.

Бу қопқон эди ва чол унга илинди.

— Йўқ, — деди у Вонг орқали. — У ҳеч нима қолдирган эмас.

Ана шунда унга ташландим.

— Қарзини тўламасдан буюмларини олиб чиқиб кетаверарканда, а?

Вонг саволим ўринли эканлигини тушуниб, чолга дўқ қилди. Бир оз ўйлаб тургач, чол Жо-Эн жомадонини ташлаб кетганини, лекин бу қоидага хилоф иш эканлигини айтди.

Мен жомадонни кўрмоқчиман, дедим. У тўнғиллаганича мени Лейла яшаган жойдаги қўшни хонага бошлаб кирди ва арзон жомадонга ишора қилди.

— Ўша қизники, — дея аниқлик киритди Вонг.

У қулфлоғлик эди.

— Йўлакда кутиб туринглар, — дедим.

Улар чиқишгач, эшикни илгаклаб қўйдим. Жомадоннинг қулфини очиш қийин эмасди.

Жо-Эннинг уст-боши Лейланикидан бойроқ эмасди. Буюмларини титкилаб, қидирган нарсамни топдим. Жомадоннинг тагидаги конвертда Герман Жефферсоннинг сурати ётарди. У менга Жанет Вест берган суратнинг иккинчи нусхаси эди. Унинг остки қисмига: "Хотиним Жо-Энга" деб ёзиб қўйилганди. Бу босқинчининг юзига бир муддат тикилиб турдим-да жойига қўйдим. Қизиқ, Пасаденадаги Жанет Вест билан Гонконгдаги Жо-Эннинг қўлига бир хил сурат қандай тушиб қолди экан? Афтидан Жефферсон берган. Лекин шу заҳотиёқ миямда муҳим савол пайдо бўлди.

(Давоми бор).

